

Нилуфар Қудратова,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси қошидаги
“Ziyo-zukko ta'lim maskani” нодавлат таълим
муассасаси ўқитувчиси

“ИЗҲОР УЛ-ҲАҚ” ЖУРНАЛИ МИЛЛИЙ МАТБУОТИМИЗ ТАРИХИДАГИ МАЪРИФИЙ МАЖМУА СИФАТИДА

Бугунги кунда халқимизнинг бой тарихини тадқиқ ва тарғиб этиш масаласи давлат раҳбари томонидан эътироф этилиши ҳамда давлат сиёсати даражасига кўтарилиши тарих шунчаки воқеалар, саналар тизими эмас, балки ҳар бир халқ маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми эканлигининг далилидир.

XX асрнинг дастлабки йилларида газеталар илм-маърифат ва тараққиёт, мустақиллик каби ғояларни илгари сурган бўлса, кейинги йилларда матбуот саҳифаларида диний маърифат, миллий бирлик, ислоҳот каби масалаларга кенг урғу берилганлигини “Таржимон”, “Вақт”, “Ойна”, “ал-Изоҳ”, “ал-Ислоҳ”, “Изҳор ул-ҳақ” каби журналлар мисолида кўриш мумкин.

Ўзбекистон матбуоти тарихини ўрганишда мазкур давр билан бевосита боғлиқ бўлган дунёвий ва диний муносабат ва уйғунлашуви, ислом маърифати ва унинг моҳиятини ҳар томонлама тўғри тушунтириб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур даврни ўрганган олимлар ва мутахассисларнинг илмий ишларида ўзбек матбуоти тарихининг ўзбек миллий матбуоти пайдо бўлишидан бошлаб ўтган ярим асрлик даврини марксистик дунёқараш асосида ёритилган материаллар ташкил этади. Марксистик ёки атеистик нуқтаи назардан ёзилган айрим ишларда бу даврда чоп этилган журналларни “пантуркизм ва панисломизм Ўзбекистон шароитида ислом ва шариат асосларига дахл қилдирмаслик ниқоби остида маҳаллий меҳнаткашларнинг онгини реакцион идеялар билан заҳарлашга уринди”¹, деб талқин этилган.

М.Ваҳобов, Х.Воҳидовнинг, А.Авлоний, М.Авшарованинг² тадқиқотлари ва илмий излаишларида XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда матбуот орқали маърифатпарварлик ғояларининг тарқалиши борасида баъзи бир хулосаларга келинган бўлса-да, XX аср бошидаги Туркистон миллий матбуотида ислом маърифатининг ёритилишига бугунги кунда ҳам эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги йилларда нашр этилган илмий адабиёт, тадқиқот ва мақолалар XX асрдаги мураккаб ва зиддиятли жараёнлар динамикасини кузатишга, унинг ўзгариб боришини ўрганишга ёрдам беради. Миллий тарихшунослигимизда турли ижтимоий фан вакиллари жаҳид матбуотини алоҳида эътибор билан ўргана бошладилар³. Улар

¹ М.Г. Ваҳобов. “Тошкент уч революция даврида”. Ўзбекистон ССР давлат нашриёти. Госиздат ЎзССР –1958. –Т.: 132-бет.

² Ваҳабов М. Формирование узбекской социалистической нации. –Т.: Госиздат, 1961.; Ваҳидов Х. Просветительская идеология в Туркестане. – Ташкент: Ўзбекистон, 1979. Авшарова М.П. Русская периодическая печать в Туркистане (1870–1917 гг). Библиографический указатель литературы. Т., 1960.

³ Пушкирев Л.Н. Классификация русских письменных источников по отечественной истории. –М.: Наука, 1975. –С. 228-229. Авазов Н. Бехбудий ва матбуот // Ўзбекистон матбуоти. –1991. –№4. –30-33 б.; Ўша муаллиф. М.Бехбудийнинг ижодий мероси: фил.фан.ном. ... дисс. автореф. –Т.: 1995. –21 б.; Жалолов А., Ўзганбоев Х.

миллий матбуот фаолиятини манбаларга таянган ҳолда ҳаққоний баҳолашга ҳаракат қилишган.

Ушбу даврга оид монография ва тадқиқот ишларида миллий матбуот ва унинг ўлкадаги та-
раққийпарварлик роли очиб берилиб, уларнинг
ғоявий курашлари ҳақида маълумот берилган⁴.

Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққиётида
вақтли матбуотнинг ўрни. –Т.: Фан, 1993. –115 б.; Пи-
даев Т. Матбуот – миллат чироғи. –Т.: 1999. –78 б.; Ўша
муаллиф. Ўзбекистон матбуотининг ўтмиши ва кечмиши
// Ўзбекистон матбуоти. –1996. – № 2. –Б. 42-44; Пид-
аев Т., Ҳалимова С. Убайдулла Асадуллаҳўжаев ва “Садои
Туркистон” газетаси // Ўзбекистон матбуоти. –1997. –
№ 2. –Б. 38-42; № 3. –Б. 44-46; Саидов Ҳ. Бехбудий ва
“Самарқанд” газетаси // Ўзбекистон матбуоти. –1996. –Б.
44-45.; Ўша муаллиф. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг пуб-
лицистик ва муҳаррирлик фаолияти: филол. фан. ном.
... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. –24 б.; Ўша муаллиф.
Маърифат либосидаги озодлик. – Тошкент, 2000. –158 б.;
Дўстқораев Б. “Тараққий” – илк ўзбек миллий газетаси
// Халқ сўзи. –1993. –14 июнь; Ўша муаллиф. Исмоил
Гаспринский ва Туркистонда миллий матбуот / Исмо-
ил Гаспринский ва Туркистон. –Т.: Шарқ, 2005. –Б. 84-
100; Ўша муаллиф. Ўзбекистон журналистикаси тарихи.
(1870–1917 йил ноябрь). Дарслик. –Т.: Ғафур Ғулом но-
мидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. –378 б.; Аб-
дуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи (1870–1917).
– Тошкент, 2000. –238 б.; Ўша муаллиф. Миллий жур-
налистика тарихи (Генезис ва эволюция). Биринчи жилд.
–Т.: Шарқ, 2008. –380 б.; Қосимов Б. Миллий уйғониш.
–Т.: Маънавият, 2002. –397 б.; Қосимов Б. ва бошқалар.
Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. –Т.: Маънавият,
2004. –461 б.; Ҳалимова С. А. “Садои Туркистон” газета-
си: йўналиши, тил, услуб ва жанр хусусиятлари (1914–
1915 йиллар): фил.фан.ном. ... дисс. автореф. –Т.: 2007.
–25 б. Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи. –Т.:
Академия, 2000. –Б. 197.; Аҳмедов С. Мунаввар қори Аб-
дурашидхонов. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият, 2003.
–Б. 32.; Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тари-
хи (1-қисм. 1870–1917 йил ноябрь). –Т.: Ғафур Ғулом,
2009. –380 б.; Тожибоев Р. XX аср бошида ўзбек адабий
танқиди тарихидан: Фил.фан.ном. ... дисс. –Т.: 1993. –Б.
108.; Жалилов А, Ўзганбоев Х. “Ўзбек маърифатпар-
варлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг
ўрни” (“Туркистон вилоятининг газетаси”, “Тараққий”,
“Самарқанд”, “Садои Туркистон” кунномалари асоси-
да) –Т.: Фан. 1993.

⁴ Жалилов А, Ўзганбоев Х. “Ўзбек маърифатпар-
варлик адабиётининг тараққиётида вақтли матбуотнинг
ўрни” (“Туркистон вилоятининг газетаси”, “Тараққий”,
“Самарқанд”, “Садои Туркистон” кунномалари асоси-
да) Т., Фан. 1993. Мухаммеджанова В. Периодическая
печать 20–30-х годов о раскрепощении женщины Узбе-
кистана: Автореф. дисс. ... канд.ист.наук. - Самарқанд,
1994. Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун му-
жодалар (1917–1935 йиллар). –Т.: Ўзбекистон, 2000;
Ўша муаллиф. Развертывание освободительного движе-
ния в Бухаре // Туркестан в начале XX века: к истории
истоков национальной независимости. –Т.: Шарқ, 2000.
–Б. 522-553;

С.Агзамходжаев Туркистон мухториятининг
ташқил топиши, тарихий жараёнлари, “Турк
Адами марказияти” (Туркистон федералистлари
партияси) тузилганлиги, мухториятнинг тугати-
лиши ҳақида⁵, Равшан Раҳматжонов⁶ жамият-
нинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида дин-
нинг ўрни ва вазифаси масаласига алоҳида эъти-
бор қаратади. Н.Абдуазизова⁷ асосан жадидлар
матбуотининг тарихи, шаклланишига оид маълум-
отлар, газета ва журналларнинг муҳаррирлари
ҳақида маълумотлар тақдим этади.

Лекин, юқорида қайд этилган ишларда маъ-
рифий журнал “Изҳор ул-ҳақ” журналининг
номи ва муҳаррири ҳақида қисқагина маълумот
берилган.

Хорижий тарихшунослар “Тараққий”, “Хур-
шид”, “Шухрат”, “Тужжор”, “Садои Туркистон”,
“Садои Фарғона” газеталари фаолиятига баҳо
бериб, улар фақат нашрларга оид статистик маълумотларни тақдим этишган⁸.

Шу нуқтаи назардан “Изҳор ул-ҳақ” журна-
лига тарихий манба сифатида ёндашиб, ундаги
ғояларнинг талқини асосида ўлкадаги ижтимоий
жараёнларнинг мазмунини очиб бериш, журнал
саҳифаларида ёритилган Туркистон ижтимо-
ий-сиёсий ҳаётига доир материалларни таҳлил
қилиш, диний маърифат, таълим-тарбия маса-
лаларига оид мавзулар, баҳс-мунозараларнинг
ёритилишини тадқиқ этиш мақоламизнинг ибти-
досида ўтмишга берилган баҳо албатта холисо-
на, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан
холи бўлиши зарур, деган кўрсатманинг ижроси
сифатида қайд этилиши мумкин.

Мустамлака даврида шаръий масалаларни
ҳал қилиш, ҳанафийлик мазҳабини софлигича
кейинги авлодга етказиш масаласи долзарб му-
аммолардан бирига айланди. Шу мақсадда 1918

⁵ Агзамходжаев С.С. Туркистон Мухторияти: мус-
тақиллик ва озодлик учун кураш (1917-1918 гг.). Ав-
тореф. дисс... т.ф.д. илмий даражасини олиш учун. –Т.,
1996. –62 С.;

⁶ “Жадидлар ва матбуот”. Жадид маърифатпарвар-
лик ҳаракатининг ғоявий асослари. Тўплам. “Тошкент
ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси,
2016. 113-бет.

⁷ Абдуазизова Н. Туркистон матбуоти тарихи. –Т.:
Академия, 2000. –Б. 197.

⁸ Allworth E. Central Asia: A century of Russian rule.
– New York and London: Columbia University Press, 1967.
–Р.176-221. Шанталь Лемерсье Кельеже. Роль мусуль-
манской прессы в движении джадидов в Средней Азии
начала XX века / Марказий Осиё XX аср бошида: ис-
лохотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик ... –С.
33-37.

йили 10 августда Тошкент шаҳрида “Фуқаҳо жамияти» ташкил топди. Диний ҳуқуқий маслаҳат, яъни “Фуқаҳо жамияти” 4 қози ва улар ёнидаги муҳрдор, аълам ва муфтийлар томонидан маслаҳат асосида фуқароларнинг ижтимоий-маиший ҳаётларида дуч келиши мумкин бўлган масалаларга ечим топиш ва уни шаръий йўл билан ҳал қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган⁹.

Даврга оид манбаларнинг маълумот беришича, 1918 йил 30 декабрда Тошкентдаги “Фуқаҳо жамияти”нинг Мулло Сайфуддинхон Аълам раислигида мажлиси ўтказилади. Мажлиснинг куйидаги қарори ўрганилганда, мамлакат уламоларининг энг илғор қисми ўлкада фақат Туркистон Мухторияти ҳукуматини тан олганлигини англатади. Жумладан,

1. Чор ҳукуматининг замонинда Туркистон крайина (ўлка) жорий бўлган положенияси (*низоми*)ни бус-бутун бекор ва лағв (асоссиз) этиб, маҳас (фақат) шариат ҳукмларини мукаммал суратда ижро этилар.

2. Аҳли ислом ила овруполилар орасиндаги 7 моддадан иборат бўлган, чунончи, қўл кесув, қасос олув, дарра урув, тошбўрон қилув ва бунга ўхшаш жисмоний жазоларнинг бадалини ижро қилувга аҳли мажлис маъал мамнуният (*мамнуният билан*) розилигини изҳор этар.

3. Ҳозирда қозилар устиндан муваққат ўлароқ назорат қилиб турув учун 5 товушга қарши аксарият хоҳиши билан Хўқанддаги муваққат ҳукуматга мурожаат қилурга қарор берилди(!).

4. Хўқанддаги муваққат ҳукумат марка чиқорганига қадар, мажлис маркани йўқ бўлувини лозим ва мақбул деб топди.

5. Николай замонида қозиларга берилган изннинг бутунлай йўқ бўлувини, печатни ҳозирда керак бўлув эҳтимоли борлигидан муваққат ўлароқ печатни турувини лозим топилди. Ушбу қарорни Хўқанддаги муваққат ҳукуматдан тасдиқ ва қабул эдилююр¹⁰.

“Фуқаҳо жамияти” ўзининг мақсад ва дастурларини тарғиб қилиш учун Тошкентда ҳафтада бир марта чиқадиган диний, илмий, адабий, сиёсий нашри «Изҳор ул-ҳақ» журналин чоп эта бошлади. Журналнинг биринчи сони 1918 йил 20 февралда чиқди. Хусусан, “Изҳор ул-ҳақ” журнали 1918 йилда Тошкентда Мулла Садриддин Хўжа муфтий ибн Шариф Хўжа Эшон

муҳаррирлигида нашр этилган. “Изҳор ул-ҳақ” журнали ўз даврида Тошкент шаҳри “Фуқаҳо жамияти”нинг нашри ҳисобланган. Журналнинг илк сони ҳижрий 1336 йил жумадул аввал, милодий ҳисоб билан 1918 йилнинг февраль ойида нашр юзини кўрган¹¹. Ушбу нашр XX аср бошларидаги Туркистон ижтимоий-маънавий ҳаётидаги янгилишнинг ўзига хос бир кўриниши сифатида намоён бўлди ва миллатнинг уйғонишида муҳим аҳамият касб этди. Журналдаги мақолалар муайян бир тартибда берилмаган. Ҳар сонда мақолалар мазмунан муҳимлиги ва долзарблигига қараб жойлаштирилган. Масалан: “Изҳор ул-ҳақ”нинг 1-жузида (2018 йил 20 февраль) Муқаддима – “Фуқаҳо жамияти”; “Маслак ва мақсад” – Ҳайъати таҳририя, “Дафъи таҳлика” – Мулла Садриддинхўжа муфтий, “Ийқоз” – Миён Бузрук Миёнзода, “Тарихий соли ҳижрий” – Сирожиддин маҳдум Сидкий Хондайлақийлар томонидан ёзилган мақолалар кетма-кетлигини кўришимиз мумкин.

Журналнинг муқаддимасида “Фуқаҳо жамияти” ва журналнинг мақсад, йўналишлари билан бирга, асосан шаръий-фикхий масалаларнинг ечими бўйича саволлар билан мурожаат қилганларга манбаларга таяниб жавоб бериш мумкинлиги эътироф этилган.

Масалан, “Аллоҳга ҳамд ва пайгамбарга саловатлар билан муқаддима қисми бошланган. Хусусан, саодатли бандаларининг дилларини ислом ва имон нури бирла мунаввар қилди. Дуруд номаҳдуд султон анбиё, алайҳиминассалоти азҳо ва миннатаҳиёти асфоҳо ҳазратларига ким ҳақими мутлақ ҳақиқатий нурияларининг азалда тожи рисолат бирла сарфроз қилиб, нигин нубуватларининг нақш ҳолами набиин бирла музайян қилди. Ва жумла асҳоб ва ансобларига ким нафс ва молларини фаҳри коинот ризосига базл ва сарф қилгон суннаи мавзияларини жону дил бирла қабул қилган ва ҳидоят осмонига кавкаби-дарҳашида бўлиб, шариат ва тариқат йўлин излаганларга муқтадо бўлган ва жумлаи шариат аниммаидин мубинфуқаҳо мутқининларга ким жаҳд ва тоқатлари бирла маърифат дарёсига гаввос бўлиб, дуррисоф жавоблар бирла масоили шарияларга муҳтож бўлгонларни гани қилгон айтиб эдилар”¹².

¹¹ Н.Қудратова. “Изҳор ул-ҳақ” мажалласида маънавий ҳаётни юксалтиришга оид масалаларнинг ёритилиши”; Диншуносликнинг долзарб муаммолари –Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти, 2019. –248 б.

¹² “Изҳор ул-ҳақ”, 1-жузъ. 1918 йил 20 февраль.

⁹ Кенгаш.– Тошкент. 1917 йил 8 сентябрь. – № 14. – С. 3.

¹⁰ Ишчилар дунёси. 1918 йил 17 январь.

Журналда чоп этилган мақолаларни тахминан 5 та гуруҳга ажратиш мумкин:

Туркистон мусулмон аҳолисининг диний, маърифий, маданий савиясини юксалтиришга қаратилган мақолалар (шаръий ва фикҳий масалаларга оид мақолалар, савол-жавоблар, диний-маърифий ҳамда танқид услубидаги шеърлар);

Сиёсий жараёнларни ёритишга бағишланган мақолалар;

Жамиятдаги ижтимоий масалаларга бағишланган мақола, турли мазмундаги эълонлар;

Таҳририятга ёзилган мактублар. Журнал Тошкентдаги “Маданият” ширкатида, араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида чоп этилган. “Изҳор ул-ҳақ” журнали Ғуломия матбаасида босилган. Матнлар настаълиқ хатида, Қуръон оятлари, ҳадислар, турли изоҳлар берилган жойлари эса насх хатида битилган. Ўша давр иқтисодий вазиятидан келиб чиқиб, журналнинг баҳоси куйидагича “Бир йиллик обуна – 18 сўм, олти ойлик – 10 сўм, уч ойлик – 40 сўм, бир нусхаси – 50 тийин қилиб белгиланган”¹³.

Журнал 25х16,5см ўлчамдаги қоғозга босилиб, ҳар бир сон 9-10 варақдан иборат бўлган. Бош бетида журнал номи, сон рақами, чиққан санаси (милодий ва ҳижрийда) ва шу сондаги мақолалар мундарижаси берилган.

“Изҳор ул-ҳақ”нинг иккинчи саҳифасида анъанага мувофиқ доим журнал мундарижаси бериб борилган. Унга кўра, аввал мақола номи, кейин унинг муаллифининг исм-шарифи келтирилади. Масалан: “Фуқаҳо жамияти” аъзолари доимий ўз мақолалари билан, Миён Бузрук Миёнзода, Эшонхўжа Эшон мударрис, Сирожиддин Махдум Сидқий, Муҳаммад Расул қори Ҳожизода, Шокиржон мударрис, Муҳаммад Ўрин мударрис Дўстмуҳаммадзода, Мулла Раҳимжон, Мулла Абдуғофур, Мулла Собир Ғанизода, Мулла Обиджон Тошқандий, Мулла Хайридинхон Аълам, Мулла Шариф ибн Мулла Мусо, Бадриддин Азизий, Абдуллоҳ Раҳматзода Хўқандий, Аҳмад Самарқандий каби ва бошқа бир қатор илм-маърифат пешволари ўзларининг юқори савияли мақолалари билан давомли суратда қалам тебратиб турганлар.

Мазкур журналнинг тарихий аҳамияти ҳақида замонамиз тадқиқотчилари ва олимлари ўша даврдаги миллий матбуот органлари ана шундай қимматли манба бўлиб хизмат қилади деган тақлифни илгари сурадилар¹⁴.

¹³ “Изҳор ул-ҳақ”, 3-жузъ. 1918 йил 7 март. 10-саҳифа.

¹⁴ Р.Раҳматжонов. “Жадидлар ва матбуот”: “Жадид

Туркистон тараққийпарварлари халқни жаҳолатдан қутқаришда матбуотнинг аҳамиятини англаб, ўз саҳифаларида буни халққа тушунтиришга ҳаракат қилган. “Изҳор ул-ҳақ” журнали таҳририяти турли ижтимоий иллатларнинг олдини олиш мақсадида мақолалар ва муносабатлар бериб борган. Тўй ва бошқа маъракалар ўтказилиши халқнинг жаҳолатда қолишининг асосий сабабларидан бири сифатида кўрсатилади. Шунингдек, унинг саҳифаларида бундай тўй ва маъракалар ўтказиш илмсизлик натижаси эканлиги, дунёнинг ҳеч бир миллатида бу ҳол учрамаслиги, бундай ҳолат Қуръони карим ва ҳадиси шарифга мутлақо зидлиги алоҳида таъкидланади.

Мазкур журналнинг 15 та сони “Изҳор ул-ҳақ” номи билан чоп этилган ва 15-сонидан сўнг “Баён ул-ҳақ” деб ўзгартирилган. Гарчи бу журнал узоқ муддат фаолият олиб бормаган бўлса-да, мустабид тузум даврида миллат дардини кўтариб, унинг хурсандчилик ва қайғули кунларига шерик бўла олди. Демак, XIX аср охири ва XX аср биринчи ярмига келиб бу сингари миллий матбуот саҳифаларининг мазмун ва сон жиҳатидан кўпайиб бориши натижасида:

✓ бу давр учун ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган илм-маърифат ва тараққиёт, мустақиллик каби ғоялар, диний маърифат, миллий бирлик, ислохот каби масалаларнинг кенг ёритилишига замин яратди;

✓ миллий матбуот саҳифаларида дунёвий ва диний билим, характер ҳамда муносабатлар уйғунлашуви ўз аксини топди;

✓ матбуот саҳифаларида мунтазам равишда ёритиб борилган илғор фикрли зиёлилар, уламоларнинг ислом тарихи, маърифати, маданияти бўйича мақола ва мунозалари ўша давр ижтимоий-маърифий ҳаёти, маънавий муҳитини ўзида яққол намоён этди;

✓ энг муҳими, ўша давр миллий нашрларида жамият ижтимоий-маънавий ҳаётидаги янги ланишнинг ўзига хос бир кўриниши ўз аксини топди ҳамда халқимизга асрлар оша ўтиб келган миллийлик, ватанпарварлик, ғайрат, сабр, меҳр-оқибат, ирода, ҳалоллик, ишонч ва масъулият каби эзгу фазилатларни кенг ёйишда муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

маърифатпарварларининг Миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари (15 апрель; 2016; Тошкент). –Т.: Тошкент ислом университети, 2016. –216 б.